

ФАРМОН

■ Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги таъминланиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишига шароит яратлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

3. Белгилансинки, 2017 йилнинг 1 апрелидан:

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тарихидаги жиноий жазо тугатилади;

жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилади;

қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилади;

почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва экзгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилади;

судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди;

терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаи жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институтини бекор қилинади;

Давоми. Боиланиши 1-бетда.

фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибиде қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилади;

вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибиде кўриб чиқиш институтини тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибиде протест келтириш бўйича ваколатлари бекор қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибиде кўриб чиқиш бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинади;

адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилади;

ҳўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судлари ташкил этилади.

4. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар

дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурига амалга ошириш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Комиссия (И.Б.Абдуллаев):

вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этган ҳолда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини ташкил этсин;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур танқидий таҳлил қилиш, илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқирилиши таъминласин;

қонун ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик ўртасида, шу жумладан, давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали кенг муҳокама қилишни ташкил этиш чораларини кўрсин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли тайёрлини ва ўз вақтида белгиланган тартибда киритилиши, шунингдек, бошқа тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги илгор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида 2017 йил 1 июлга қадар:

суд-прокурор ходимлари малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

воёга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек, судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш;

томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгайтириш;

ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш;

жиноят ишини кўзгатиш фақат жабрланувчининг аризасига кўра амалга ошириладиган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш;

фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш;

электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакли ва усулларини, шунингдек, одил судловга эришишнинг илгор механизмининг кенгроқ жорий этиш орқали одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилашни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқсин ва киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда илгор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида уч ойлик муддатда:

давлат органларида юридик хизматнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш;

адлия органлари тизимида юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш бўйича тузилмалар ташкил қилишни назарда тутувчи таклифларни киритсин.

8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчининг биринчи ўринбосари Б.А.Коканбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 21 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Ш А Р Ҳ

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди.

Шу билан бирга, мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талаблари ва стратегик устувор вазифалари суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, қуйидаги учта асосий устувор йўналишларни белгилаб берди:

суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш;

одил судловга эришиш асосини ошириш.

Мазкур устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари этиб:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида белгиланган судьялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунгани ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлигининг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга таъвоуз қилиш ҳолатлари юзасидан барча зарур чораларни кўриш, жисмоний

ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш тартибини бўзиш ва сансалорликка йўл қўймаслик;

тегишли ахборотни ўз вақтида жамоатчиликка етказиш орқали фаолиятнинг очикилиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали тизимли камчилик ва қонунбузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш, иш фаолиятига илгор илмий-техника воситалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

идоравий назоратни кучайтириш, ходимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, кадрлар таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш, кадрларни танлашнинг энг муносиб номзодларни ишга қабул қилишни таъминлайдиган замонавий механизмларини жорий этиш белгиланди.

Фармонга мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, касбий нуфузини ошириш, юқори маънавият ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида илк бор судьяларнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилди.

Хусусан, судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ун йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Киритилаётган бу ўзгаришлар халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илгор тажрибасига тўлиқ мос келади.

Шу билан бирга, Фармон билан 2017 йилнинг 1 апрелидан жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва

бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини адолатли ва ўз вақтида ўтказиш, жазонинг адолатли бўлиши ва инсонийликка эътибор қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилмоқда.

Бу ўзгаришлар инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақли эмаслиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган принциплари нормаларига тўла мос келади.

Бундан ташқари, судга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган тақдирда муқобил эҳтиёт чорасини қўллаш имконияти берилмоқда.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асосиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида **суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилинаётганлигини** алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибиде қайта кўриб чиқиш имкониятини берувчи муддатнинг 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши эса, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, шунингдек, суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралик

инстанцияларни бартараф этиш мақсадида Фармонда **вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибиде қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи институтларни тугатилиб**, ўз навбатида, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибиде протест келтириш ваколати бекор қилиниши назарда тутилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибиде кўришга оид бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинмоқда.

Ортиқча ва бир-бирини такрорловчи инстанцияларнинг бекор қилиниши айнан бир назорат инстанцияси томонидан ишларнинг бир неча бор кўриб чиқилишининг олдини олади, суд қарорларининг узил-кесилиги ва барқарорлигини таъминлаб, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада оширади.

Шунингдек, Фармонда виллоят ҳўжалик судларининг қарорларини ўзлари томонидан қайта кўриш ваколатини чеклаш мақсадида ушбу судлар тизимида минтақавий апелляция судларини ташкил этиш назарда тутилди.

Фармоннинг суд ҳокимияти мустақиллиги асосларини мустақиллиги алоҳида аҳамиятли томони **адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилаётганидир.**

Ушбу чора судларнинг мустақиллиги ва уларнинг фаолиятига аралашмаслигининг қўшимча кафолатларини яратди.

Шу билан бирга, Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идораларга

2017 йил 1 июлга қадар илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда қуйидаги масалалар бўйича асослантирилган таклифлар тайёрлаш топширилди:

суд-прокурор ходимларининг малакасини ошириш ва раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

процессуал ҳаракатларни амалга оширишда воёга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, шунингдек, судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш;

Ўзбек халқининг эзгулик ва раҳмдиллик каби кўп асрлик анъаналарига мўлжал ярашув институтини жиноят процессида қўллаш доирасини кенгайтириш. Бу норма қонунчи четлаб ўтган, содир этган қилмишдан пушаймон бўлган ва етказилган зиённи қоплаган фуқароларни жавобгарликдан озод қилиш имконини беради;

ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим турдаги жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш;

жабрланувчининг аризаси асосида жиноят иши кўзгатилиши мумкин бўлган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш;

электрон тартибда суд ва ижро иши юритишнинг замонавий шакли ва усулларини, одил судловга эришишнинг илгор механизмининг жорий этиш орқали одил судлов сифатини ошириш. Бу ташаббуснинг амалга оширилиши суд фаолиятининг самарадорлигига, шунингдек, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш доирасида республикани ривожлантиришнинг замонавий босқичи талабларига тўлиқ асосланган одил судловнинг жамоатчилиги учун очикилиги, шаффофлиги ва эркинлиги принципларини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қонунийликни таъминлашда ҳамда мамлакатимизда ислохотларни самарали рўёбга чиқаришда юридик хизматлар ролини ошириш мақсадида давлат органларининг юридик хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир аниқ чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Қайд этилган асосий вазифалар ва янги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш борасида 8 та энг устувор соҳалар бўйича 45 та аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи **Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.**

Фармонни ижро этиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодекслари ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритилади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини изчил такомиллаштириш ва мустақамлаш мақсадида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор алоҳида қонунлар, шу жумладан, «Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Медияция тўғрисида»ги, «Маъмурий судлов ишларини юритиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Ушбу дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустақамлаш имконини беради.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

■ Ҳар қандай сайлов жараёнилари Конституция ва қонунларда
белгиланган меъёр ва тамойилларга таянади.

КОНСТИТУЦИЯ — САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Демократик тамойиллар асосида ўтказиладиган сайловлар мамлакат фуқароларининг давлат органларини тузишдаги бевосита иштирокини таъминлайди. Сайловлар натижасида жамият аъзоларининг хоҳиш-иродаси, олиб борилаётган сиёсатга муносабати аниқланади, фикрлар хилма-хиллиги намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органларида сайловларда қатнашиши орқали амалга оширилади.

Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён арасида турибди. Маълумки, жорий йилнинг 9 сентябидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганиги эълон қилинди. Мазкур жараёнда ҳар бир фуқаро ўз конституциявий ҳуқуқи — сайлов ҳуқуқини амалга ошириш асосида давлат раҳбарини сайлаш учун овоз беради.

Бош қомусимизда нафақат давлат органлари тизими ва ваколатлари балки, ҳокимият олий органларини шакллантириш асослари ҳам белгилаб берилган. Ушбу қоидалар фуқароларнинг ажралмас сиёсий ҳуқуқлари билан уйғун ҳолда ўрнатилганлиги шахс, жамият ва давлат муносабатларида ҳалқ ҳокимиятичилиги тамойили узвийлигини таъминлаш имконини яратди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини

ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади», деган муҳим демократик қоида белгиланган. Бу, биринчидан, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг конституциявий асосга эгалигини, иккинчидан эса, сайловлар демократик бошқаруви таъминловчи воситалардан бири эканлигини кўрсатади. Айтиш керакки, ҳалқ ҳокимиятичилигини таъминлаш билан боғлиқ энг муҳим конституциявий принциплар, яъни Конституциянинг 7-моддасида мустаҳкамланган «Ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», 2-моддада кўзда тутилган «Давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади», деган қоидалар сайловлар орқали рўйга чиқади.

Ҳар қандай сайлов жараёнилари Конституция ва қонунларда белгиланган меъёр ва тамойилларга таянади. Аввало, сайлов тамойиллари дедалар нимага тушунмоқ керак? Сайлов ҳуқуқи тамойиллари — бу сайлов қонунчилигининг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг асосий ғояси, қондаси, етакчи мезонидир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўра, фуқаролар умумий, тенг, тўғридан-

тўғри сайлаш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва яширин овоз бериш тамойилларига асосан сайловни амалга оширади. Бу ҳақдаги кафолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида белгиланган.



Суратда: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 562-сайлов участкасида ҳам сайловга тайёргарлик жараёни қизгин кечмоқда.

тўғри сайлаш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва яширин овоз бериш тамойилларига асосан сайловни амалга оширади. Бу ҳақдаги кафолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 117-моддасида давлат ҳокимияти вакиллик органларида сайлаш ва сайлашни ҳуқуқларининг белгилаб қўйилганлиги фуқароларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокини таъминлайди.

Ушбу конституциявий нормалар Инсон ҳуқуқлари умумжапон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисидаги декларация ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларга тўлиқ мос келади.

Сайловларнинг демократик талабларга мос ўтказилишида Марказий сайлов комиссияси муҳим ўрин эгаллайди. Қонунларда Марказий сайлов комиссияси мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик,

ошқоралик, адолатлилик каби асосий тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши мустаҳкамланган.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллиги деганда, комиссия ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга ошириши тушунилади. Бу билан Марказий сайлов комиссияси аъзолари қарор қабул қилишда сиёсий мойилликлар ва бошқа ёт таъсирлардан ҳоли бўлган ўз нуктаи назарини билдириши белгиланган. Мазкур тамойил ўз аҳамиятига кўра, жуда муҳимдир. Яъни, Марказий сайлов комиссияси аъзолари қарорлар қабул қилишда ўзаро рақобатлашадиган сиёсий партияларнинг ҳеч бирининг ғоясини устун кўрмайди, ёки уларнинг ҳеч бирига ён босмайди. Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу ўринда сайловнинг маҳсус тамойилларига тўхталиб

ўтиш ўринлидир. Аввало, умумий сайлов ҳуқуқи тамойили ҳақида фикр юритадиган бўлсак, мазкур принципга кўра, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва маънавий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълуоти, тили, динга муносабатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бевосита 18 ёшга тўлганда сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Айрим фуқаролар яъни, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайлашни мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида сайловларда овоз бериш ҳамда сайловларда ўз номзодларини қўйишда турли ёш чегараларининг белгилаб қўйилганлиги кўриш мумкин. Хусусан, Бразилия ва Эронда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан, аксарият давлатларида эса фуқаролар сайлаш ҳуқуқига 18 ёшдан эга бўлади. Шу билан бирга, айрим мамлакатларда сайлаш

ҳуқуқини олишга бўлган чегара анча юқори қўйилган. Хусусан, Малайзия, Мароккаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлгандан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан Ўзбекистон фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир. Ушбу қонунга асосан ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган ҳамда бевосита сайловга қатнаш ҳуқуқига эга.

Қонунчилигимиз фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги устидан назорат қилишни манъ этади. Сайловчи сайлов бюллетенини шахсан ўзи олади, махсус жиҳозланган кабинада ёки яширин овоз бериш хонасида уни ўзи тўлдирди ҳамда сайлов қутисига ўзи ташлайди. Хоҳиш-ирода билдиришнинг яширинлиги олдиндан овоз бериш ўтказилганда, сайлов участкасига келиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар овоз беришини ташкил этишда ҳам таъминланади.

Мухтасар қилиб айтганда, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда Конституциямизда белгиланган меъёр ва тамойилларнинг ўрни, аҳамияти беқиёс. Чунки ушбу нормалар сайловларнинг умумий эфир этилган тартиб-қоидаларини ўзида мужассам этади.


Восид ЭРҒАШЕВ,
Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири,
юридик фанлар нозоди,
доцент,
Хушвақт ҲАЙИТОВ,
юридик фанлар номзоди.

■ ОНА ТИЛИМ —
ЖОНУ ДИЛИМ

Университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори Иброҳим Йўлдошев талбирни очиб, мустақиллик йилларида она тилимиз янада сайқаллашгани, дунё миқёсида нуфузи ошгани, қатор илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилаётгани ҳамда улар тилимизнинг бойишида муҳим манба бўлаётганини таъкидлади.

МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

— Озод Ватан, эркин ҳалқ тушунчаларини она тилисиз тасаввур этиб бўлмайди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Комилов. — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимизнинг бутун ҳудудда ўзбек тили давлат тили сифатида амал



Санабар ШОТЎРАҚЧОВ оғани сўзлаётганда.

қилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди, тилимизнинг ривожланиши ва мақоми мустаҳкамланишида муҳим асос бўлди. Шунингдек, айтиш керакки, тил инсонлар орасида мулоқот воситасигина бўлиб қолмасдан, балки миллатнинг миллийлиги ва тараққиёти белгиси ҳамдир. Бугун жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнида салбий оқибатларидан ёш авлодни асраш учун, аввало, уларда она тилимизга ҳурмат туйғусини янада кучайтириш зарур, деб ўйлайман.

— 1989 йилнинг 21 октябрь кунини ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши мустақиллигимиз йўлидаги муҳим қадам бўлган эди, — деди адабиётшунос олим, профессор Омонулла Мадаев. — Шу кундан эътиборан тилимизнинг ривожланиш йўлларидаги барча сунъий тўсиқлар олиб ташланди, у давлат томонидан қонун ҳимояси олинди. Тилга буюк маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик, олий қадрият сифатида қараш шаклланди. Она тилимизнинг илмий тадқиқ этиш ҳаракати кучайди.

Шунингдек, у она тилимиз қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари ҳамон учраётгани ҳақида куйиниб гапирди.

Талбирда, шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашев ва она тилимизнинг нақадар бойлиги, қадимийлиги ва жозибадорлиги ҳақида фикр юритишди. Адабиёт ва санъат асарларидан мисоллар келтирилди.

Она тилимизни асраб-авайлаш, уни ривожлантириш ва софлигини сақлаб қолишга ҳар биримиз масъулмиз. Зеро, тил бор экан, миллат барҳаёт, истиқболи порлоқдир.

Хурида УМАРОВА

■ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: САВОЛ ВА ЖАВОБ

НОМЗОДЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА

Мен бу йил сайловда биринчи марта иштирок этаман. Яқинда бир талбирда Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари бўлиш ҳақида эшитдим. Қонунчилигимизда бу масала қандай белгиланган?

Мухлиса Орифжонова,
Фарғона давлат университети талабаси.



Салаватдин
ХУДАЙБЕРГЕНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасида ишончли вакиллари ҳуқуқи мақоми мустаҳкамланган. Унга кўра, Президентликка номзод 15 нафарга қадар ишончли вакиллarga эга бўлишга ҳақлидир.

Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради. Уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб боради. Давлат ва жамоат ташкилотлари сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдиминомасига кўра, ишончли вакиллари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади. Марказий сайлов комиссияси уларга тегишли гувоҳномалар беради.

Менга сайлов комиссияларининг иши қандай ташкил этилиши ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Азамат Умаров,
Тошкент кимё-технология институтини талабаси.



Феруза ЭШМЕТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Сайлов комиссиясининг мажлисларида комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этиши керак. Комиссиянинг қарорлари очик овоз бериш орқали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Комиссия қарорига қўшилган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини

айтишга ҳақлидирлар, бу фикрлар ёзма тарзда мажлис баёнига илова этилади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ижро этиши учун мажбурдир.

Сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига мувофиқ, сайлов ўтказишга ажратилган маблағ ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазибаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

Комиссия аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Сайлов комиссияларининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари сиёсий партияларга аъзо бўлиши мумкин эмас. Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

Округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг яқунлари чиқарилганидан сўнг тўхтади.

Мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар Президентликка номзодлар кўрсатди. Қонунчилигимизда номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари қандай белгиланган?

Мафтуна Юсупова,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси.



Собитхон ТУРҒУНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Аввало, таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқларга эга.

Номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида

сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшитиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазибаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Номзод рўйхатга олингандан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортидан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади.

Қонунда, шунингдек, номзодлар ҳуқуқларининг бошқа кафолатлари ҳам белгиланган.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Лазиза ШЕРОВА
ёзиб олди.

МОЗИЙДАН САДО

«Оқил ўз амалига суянади, жоҳил
эса ўз орзу-умидига»



Оқсарой, Шахрисабз

«Эй, мукаммал мадҳ (мақтов)ни
тафаккур қилувчи одам!»



Ўрда, Қўқон

АСРЛАР ҚАЗИРИДАН БИТИКЛАР

Ўзбекистон эпиграфик ёдгорликлари ноёблиги ва қўпчилиги бўйича нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда алоҳида ўрин тутadi. Уларнинг аксарияти пухта ўрганишни талаб этадиган санъат, маданият, умуман, жаҳон цивилизациясининг дурдоналари ҳисобланади. Бу ишларга Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлэмалари маркази, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази, маҳаллий ўлкашунос мутахассислар жалб этилди. Вилоят ҳокимликларининг ҳар томонлама ёрдами билан олти йилда туркумнинг биринчи китобларини нашр этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

ЛОЙИХАНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

Олимларнинг маълумоти-га кўра, Амир Темур даврида бунёд этилган ёдгорликларда битилган ёзувларнинг атиги 10 фоизи ўрганилган ва қисман чоп этилган.

Шу нуктаи назардан, «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» ўзига хос лойиҳа ҳисобланади. Негаки, давлатимиз ташаббуси билан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча архитектура ёдгорликлари эпиграфикаси комплекс равишда ўрганилиб, умумлаштирилмоқда.

2016 йил 17 октябрь кuni пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги ва «Uzbekistan Today» ахборот агентлигининг 10 йиллигига бағишланган «Ўзоқ ўтмишдан мактублар: Ўзбекистон обидаларидаги битикларда таълим, маърифат, тинчлик ва бунёдкорлик» мавзусидаги давра суҳбати доирасида «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» лойиҳасининг тақдими ўтказилди.

Тадбир «Uzbekistan Today» ахборот агентлиги, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлэмалари маркази томонидан қатор ҳамкорлар кўмағида ташкил этилди.

Унда мамлакатимиз олимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, ЕХТ, ЮНИСЕФ, «Минтақавий мулоқот» халқаро ноҳукумат ташкилоти, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида лойиҳанинг дастлабки натижалари — Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги архитектура ёдгорликларидан битилган эпиграфика ёзувларга бағишланган 12 китоб-альбом, шунингдек, Самарқанд

вилоятининг тарихий меъмورлик мажмуалари — Регистон ва Шоҳи Зиндага бағишланган икки фотоальбом тақдим этилди.

Ўзбекистон олимлари 1,5 мингдан зиёд эпиграфика ёдгорликларидagi (уларнинг аксарияти биринчи марта) ёзувларни ўрганиб, таржима қилгани таъкидланди. Уларнинг 200 дан ортиғи шеърлар, ўғитлар, ҳикматли гаплар, юздан зиёди уста ва хатотлар номи. 300 диний ва 150 бағишлов матнлари, 150 хронограмма, 100 тарихий сана, ҳукмдорларнинг 100 фармойиши ва бошқалардан иборат.

Ижодий гуруҳ Самарқанддаги Шоҳи Зинда, Амир Темур макбараси ва жомеъ масжиди, Бибиҳоним масжиди, Регистон ансамбли сингари дунёга машҳур меъморий ёдгорликларда битилган ёзувларни ўрганиб ва маъносини тафсир қилди. Бундан ташқари, улар Хива ёдгорликларининг эпиграфик битиклари ва 13 меъморий мажмуа ёзувлари, жумладан, Паҳлавон Маҳмуд қабр тошидаги матнларни ҳам ўқиб ўрганди.

Қорақалпоғистон Республикаси архитектура эпиграфикаси бағишланган альбомда илк бор Норинжон бобо мажмуасининг таржима қилинган эпиграфик материали тўлиқ нашр этилди. Қадимги Миздақон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган ва ислом оламида машҳур Мазлумхон-сулув макбарасининг бугунги кунгача сақланиб қолган эпиграфик материаллари таржимаси тўлиқ ҳажмда тақдим этилди.

Шахрисабзнинг алоҳида альбом шаклида нашр этилган архитектура эпиграфикаси нафақат Марказий Осиё, балки бутун Шарқ минтақаси тарихини ўрганиш нуктаи назаридан фойда келтирилади. Ёзма ёдгорликларнинг ноёб намуналаридан иборат ушбу битиклар муҳим воқеалар, тарихий шахслар ҳақида маълумотларни ўзида мужассам этган.

«Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Сурхондарё» альбому машҳур муҳаддис ва тасаввуф шайхи Ҳаким ат-Термизий макбараси ва қабр тошидаги, Жарқўрган минораси, Сўфий Оллоёв мажмуаси ва бошқа ёдгорликлардаги битикларнинг тўлиқ тафсирини ўз ичига олган.

Намангандаги тарихий ёдгорликларга бағишланган китобда Ҳожи Амин, Мулла Қирғиз, Мавлавий Намангоний ва бошқа улуғлар абадий қўним топган масканлардаги битиклар тўлиқ тафсир этилган. Альбомда нодир ёзма манбалар — кўлаб машҳур шайх ва илоҳиёт олимлари ҳақида ноёб маълумотлар ва уларнинг вафот этган саналари битилган эпиграфикалар тақдим этилган.

Андижон эпиграфикаси бағишланган альбомда Андижонда эътиборга сазовор ёдгорликлар унчалик кўп эмаслиги ва уларнинг аксарияти сақланмагани ҳақидаги фикрлар нотўғрилиги исботланган. Унда Жомеъ, Гумбаз ёдгорликлари, Мирзакул бўлиш, Отақўзи мадрасалари, Қутайба ибн Муслим макбараси ва бошқа ноёб ёдгорликлар келтирилган.

Бухоро, Фарғона, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрига бағишланган, кўлаб қизиқарли ва қимматбаҳо маълумотларни ўз ичига олган альбомлар ҳам катта қизиқиш уйғотади.

ТАЪЛИМ ВА МАЪРИФАТ, ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК

Ижодий гуруҳ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ф.Абдуллоев лойиҳа тақдимотида Ўзбекистон обидаларидаги кўлаб битикларнинг пурмаъно муҳожират, панд-насихат, шеърӣ ўғит, тарихий воқеалар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олгани, ҳар бир инсонни таълим олиш, маърифатли бўлиш, тинчлик ва бунёдкорлик сари қўлаш уларнинг ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканидан далolat беради, деди.

«Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» туркум китоб-альбомлар муқовасида XIV асрда бунёд этилган Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуасидан битилган ва китобининг ўзига хос шioriға айланган «Ким бир йўлдан юриб, унда илм изласа, Аллоҳ шу йўлдан унга жаннатга элтувчи йўлни ҳам муяссар қилиб қўяди», деган ҳадис ёзилгани ҳам бежиз эмас.

Ҳар бир китобда шундай ўнлаб эпиграфикалар, эзгу ни-ятлар битилган ёзувлар, му-рожаат ва даъватлар келтирилган.

Ушбу туркум китоб-альбомларни тайёрлаш ишлари 2011 йилда бошланган бўлиб, бу лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Бу борадаги ишлар давом эттирилиб, кейинги туркум Ўзбекистондаги хали ўрганилмаган эпиграфик битикларни ўз ичига олади.

Жами 25 жилдни нашр этиш режалаштирилган. Ушбу фундаментал илмий тадқиқот ўз саҳифаларида эпиграфик битиклар ва бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодларга ҳам еткази-лади.

ОЛИМЛАР ВА ЭКСПЕРТЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ

Давра суҳбати иштирокчилари амалга оширилётган бу лойиҳа юксак маънавий ва маърифий аҳамиятга эга экани, «тилга кирган» ғоялар — ўтмишдаги маърифат, тинчлик, бунёдкорлик ва эзгулик ҳақидаги битикларнинг нечоғли муҳим ва долзарблигини алоҳида таъкидлади.

Эдвард РТВЕЛАЗЕ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги:

— Нашра тақдим этилган китоб-альбомлар ўзининг илмий ва маданий аҳамиятига кўра, фойда эътиборли лойиҳадир. Бундан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон меъморий ёдгорликларидagi эпиграфик битикларни топиш, ўрганиш ва нашр қилишдир. Бу борада оламшумул ишлар бажарилган. Лойиҳа муаллифлари аввал чоп этилган туркий, араб ва форс тилларидаги битиклар тафсирини тўлдириш ва уларга тузатишлар киритиш, илгари мутахассислар ўқий олмаган ва тадқиқотчилар учун номаълумлигига қолган кўлаб эпиграфик материалларни илмий муомалага киритишга эришган.

Масалан, бу Шоҳи Зинда, Регистон тарихий мажмуалари, Бухоро ва Хиванинг қатор ёдгорликларидagi битиклар, Амир Темурнинг Оқсарой пештоғига битилган, илгари ўрганилмаган ёзувлар лавҳлари ва бошқалар шулар жумласидан. Бу борада амалга оширилган ишлар, шубҳасиз, Ўрта Осиё халқларининг маънавий тарихи ва маданиятини ўрганишга қўшилган ҳиссадир. Бугунги кунгача ислом санъати ва архитектура ёдгорликларини сақланаётган бирон-бир мамлакатда бундай кенг қўламли лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмаган. Бу борада Ўзбекистон биринчи бўлди.

Бахтиёр БОБОЖОНОВ, тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ кўлэмалари марказининг етакчи илмий ходими:

— Бу дастлабки қадам. Биз маданиятшунос олимлар эътибори битикларни комплекс равишда, мантиқан нияҳиясида етказилган 2 мингдан зиёд матнларни илк бор тақдим этдик. Масалан, Регистондаги битиклар ҳамон «жим» эди. Айрим битикларни ўқиб шунча ақл-заковат, Шарқ фалсафаси бўйича чуқур билим талаб этилади. Амир Темурнинг Оқсарой деворларига битилган пурмаъно ҳикматлари маъносини аниқлашга ҳаракат қилишимиз зарур.

VIII-X асрларда ижод қилган араб муаллифларининг йўқлиб кетган шеърларидан намуналар мана шу эпиграфикаларда сақланиб қолган. Бир қарашда, унчалик муҳим эмасдек туюлган бу сатрлар аслида донишмандлик хазинасидир. Ўтмишдан

қолган мактубларни ўрганишни давом эттирамиз.

Ҳамад бин Муҳаммад ад-ДАВЯНИЙ, профессор, Уммон Султонлиги Вазирлар Маҳкамасининг миллий девонхона раиси, кўлэмалар ва архивлар миллий бошқармаси раиси:

— Улкан ва машаққатли меҳнатингиз бутун инсониятга хизмат қилади. Бу китоблар архитектура ёдгорликларини билан танишиш ва аждодлар қолдирган битиклар маъносини чақиш имконини беради. Бундан ташқари, чоп этилган материаллар ўзбек халқининг буюклиги, шу заминда вояга етган олимларнинг донишмандлиги, маънавий ва моддий маданият даражасининг юксаклигидан далolat беради. Ўзбекистон тарихининг ҳар бир тадқиқотчиси, у хоҳ Ўзбекистонлик, хоҳ хорижий бўлсин, Шарқнинг бой илмий мероси ҳақида сўзлайдиган бу китобларни ўқиб зарур. Биз бутун инсониятнинг ушбу маданий бойлигини кўз қорачигидек асрашимиз лозим.

Юрген ПАУЛ, Галле университети профессори, ГФР:

— Бу нашр нафақат Ўзбекистон, балки дунё эпиграфикаси мутахассислари учун ҳам муҳим бўлиб, миллий меросини асраб-авайлашга бўлган муносиб намунадир. Лойиҳа давом эттириляётганидан хурсандман ва барчамизни хали қувончли янгиликлар кутаётганига ишонаман. Лойиҳа давлат томонидан кўлаб-қувватланаётгани янада эътиборлидир.

Владимир НАСТИЧ, тарих фанлари доктори, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти мутахассиси:

— «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» ҳақиқатан ҳам муҳим лойиҳадир. Мамлакатингизда араб имлосида битилган эпиграфикани ўрганишга давлат даражасида эътибор қаратиляётгани таҳсинга сазовор. Масалан, мен бошқа бундай мисолларни билимайман. Бу лойиҳа давом эттирилиши ва жаҳон илм-фанига муносиб хисса бўлиб қўшилишига ишонаман.

Ронте РОККО, профессор, Лувр шарқ маданияти ва санъати бўлими раҳбари, Франция:

— Бу нашрлар нафақат эпиграфика мутахассислари, балки Ўзбекистон тарихий шахрлари аҳолиси ва бу ерга келаятган сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотади. Лойиҳа ижодий гуруҳи мамлакатингиз турли ҳудудлари эпиграфикасини ўрганиш ва тизимлаштириш соҳасида катта ишни амалга оширган. Мазкур аjoyиб альбомлар бу борадаги ишларнинг ёрқин самарасидир.

Аҳмад Ражаб РИЗК, Қоҳира университетининг Ўрта Осиё тарихи, археологияси ва санъати профессори:

— Мазкур илмий иш хатотлик санъатининг муҳим

ёзма ёдгорликлари ва услубларини камраб олган. Туркум китоб-альбомлар барча тадқиқотчилар ва талабалар учун ҳам муҳим, ҳам фойдали бўлиб, уларни Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари ва уларда битилган ёзувлар билан таништилади. Бу нафақат Ўзбекистон ва унинг маданияти, балки ислом тамаддуни учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу китобларни тайёрлашда меҳнат қилган барча мутахассисларга чуқур миннатдорлигини билдираман. Араб мамлакатларини ҳам нафақат ислом, балки жаҳон цивилизациясини шакллантиришда муҳим ўрин тутган Ўзбекистон маданияти ва санъати билан батафсил таништириш учун ушбу китоблар араб тилида ҳам чоп этилишига умид қиламан.

Жон МАКГРЕГОР, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори:

— Эпиграфика бўйича тақдим этилган китоб-альбомлар Ўзбекистоннинг ноёб архитектура ёдгорликларини билан яқиндан танишиш, аждодлар қолдирган битиклар мазмун-моҳиятини аниқлаш имконини беради. Бу ишлар нафақат Ўзбекистон, балки бошқа давлатлар учун ҳам муҳимдир. Бу борадаги ишлар давом эттирилиши зарур.

Томас КҮНЦЕ, Конрад Аденауэр номидаги жағфарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатли вакили:

— Бу меҳнат тарихда қолади. Ушбу нашрларни тайёрлашда қилинган ишлар қўлами, мавзуга чуқур ёндашилгани, аждодларнинг кўп асрлик мероси асраб-авайланаётгани мени ҳайратга солди.

Буни илмий қаҳрамонлик дейиш мумкин. Негаки, эпиграфика бўйича материалларнинг катта қисми бугунги кунгача номаълум эди. Ижодий гуруҳ ўта мураккаб ишларни амалга ошириб, халқнинг тарихий ва маданий мероси жамланмасини жамоатчилик эътиборига ҳавола этган. Айниқса, аждодларнинг меъморий ёдгорликларда битилган ўғитлар, ҳикматли сўзлари, шунингдек, нашр безаклари кишининг эътиборини тортади. Менимча, ушбу кенг қўламли ишлар билан нафақат ўзбекистонлик, балки хорижий олим ва тадқиқотчилар ҳам танишиши зарур.

Британия музейи ҳузуридаги Шарқ ўрта асрлар эпиграфикаси департаменти раҳбари, профессор Симс Вильямс, Сорбонна университетининг нафис араб ёзуви кабинети раҳбари, профессор Людвиг Каллос ва Берн Эркин университети профессори Анке фон Кюгельген ва бошқалар ҳам ушбу туркум китоблар ҳақида ижобий фикрлар билдирди.

ЎЗА

ШАХМАТ

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб ўтказилган тезкор шахмат бўйича жаҳон шахмат юлдузлари ўртасидаги халқаро турнир якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Рустам Қосимжонов, Шахриёр Мамедъяров (Озарбайжон), Борис Гельфанд (Исроил), Руслан Пономарёв (Украина) сингари маҳоратли шахматчилар айланма тизимда голиблик учун ўзаро баҳслашди.

Мусобақа доирасида таниқли гроссмейстерлар томонидан ёш шахматчиларга маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Жаҳон шахмат юлдузлари ўртасидаги халқаро турнирнинг якунига кўра, Шахриёр Мамедъяров 8 очко билан биринчи ўринни қўлга киритди. Борис Гельфанд 6 очко билан иккинчи, Рустам Қосимжонов 5 очко билан учинчи ўринни эгаллади.

Ж.ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Республика Маънавий тарғибот маркази ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациялари Кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятининг катта мажлислар залида «Она тили миллитнинг руҳидир» мавзусида маънавий-маърифий анжуман ўтказилди.

ОНА ТИЛИМИЗ — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Тадбирда олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ёзувчи, шоирлар, санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берганилиги, ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўйи ошиб, янада фаол мулоқот воситасига айланиб бораётганилиги ҳусусида фикр билдирилди.

Тадбирда турли даражадаги расмий уршуш ва музокараларда тилимизнинг кенг қўлланилаётгани, дунёнинг нуфузли таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тили ўрганилаётгани таъкидланди.

Давра суҳбати якунида таниқли санъаткорлар томонидан мавзуга оид саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Махлиё АЛИКУЛОВА,
журналист.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши партия кенгаши раиси ўринбосари Шохруҳмиро Абдурахмоновга волидаи муҳтарамаси

Сора МУХИДДИНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон ovozi» ва «Голос Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси меҳнат фахрийси Шароф Ҳайдуллоевга онаси Янглишой УБАЙДУЛЛАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Тошкент Молия институти ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси «Бизнес ва тадбиркорлик» кафедраси профессори Фатхулло Каримовга қизи Сурайё АЗИЗОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банк жамоаси банк ходими Акмал ШОМИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzilli, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
8798
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:00
Topshirilgan vaqti — 01:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

